



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БҲЙРУҒИ

## 416 Олий таълим тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1222-1*

*(2010 йил 22 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда), Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 29-сон, 332-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 9 январдаги 9-сон буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим тўғрисида»ги низомга (давлат рўйхати 1222, 2003 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, 2003 й., 4-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

**Вазир**

**Б. ХОДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 29 октябрь,  
406-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.